

**“НАМКОРБАНК” АТБ томонидан миллий валютадаги банк карталарини фойдаланишга бериш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида ШАРТНОМА № \_\_\_\_\_**

\_\_\_\_\_ шахри

“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

Чет эл капитали иштирокидаги “Namkorbank” АТБ (бундан буён матнларда “Банк” деб номланади) номидан \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи банкнинг \_\_\_\_\_ филиали бошқарувчиси(ёки бўлинма бошлиғи) \_\_\_\_\_, бир тарафдан ва фуқаро \_\_\_\_\_

Ф.И.Ш. (тўлик)

(кейинги ўринларда “**Банк картаси эгаси**” деб номланади) иккинчи тарафдан ушбу шартномани (Бундан буён матнда шартнома деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар.

## **1. Асосий тушунчалар**

1.1. **Банк картаси (БК)** - банк тарафидан эмиссия қилинган, персонализацияланган, тўлов воситаси сифатида ишлатиладиган ва ўз сақловчисига банк ҳисобварағидаги маблағлари доирасида операцияларни, жумладан, ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни (тўловларни) амалга ошириш, ундан нақд пул маблағларини олиш имконини берувчи амалдаги «миллий валюта» - сўмдаги тўлов картасидир.

1.2. **Кобейджинг (Бирлаштирилган) банк картаси** – икки ва ундан ортиқ тўлов тизимларига бирлашган, Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлатлар банклари (эмитентлари) томонидан эмиссия қилинган ва ҳар хил тўлов тизимлари инфратузилмаларида фойдаланиш учун мўлжалланган банк картасидир. Банк карта эгасининг банкдаги ҳисоб рақами бўйича амалга ошириш мумкин бўлган операцияларнинг турлари банк карта эгаси ва эмитент ўртасида тузилган шартномага асосан ўрнатилади.

1.3. **Эмиссия** - Банк карталарини карта эгасига вақтинчалик фойдаланишга бериш орқали муомалага чиқариш.

1.4. **Эмитент банк** - бу БК эмиссиясини амалга оширувчи, ўзи эмиссия қилган банк карталарига нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, ўз номидан уларнинг сақловчилари ва эквайерлар олдида нақд пулсиз ҳисоб-китобларга оид қонун ҳужжатлари талаблари асосида мажбуриятларни зиммасига олган, шунингдек БК сақловчиларининг тўлов операциялари бўйича авторизациялаш, транзакцияларни йиғиш ва уларга ишлов бериш функцияларини амалга оширувчи банк.

1.5. **Эквайер** - БК орқали амалга оширилган операциялар бўйича товарлар (ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи) сотувчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширувчи, шунингдек БК сақловчисига бевосита касса ёки банкомат орқали нақд пул берувчи банк.

1.6. **Банк картаси эгаси (ёки Мижоз)** - аризасига асосан карта ҳисобварағи очган, БК бўйича тўлов операцияларини амалга ошириш ҳамда БК ва карта ҳисобварағини ёпиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс. БК банк тарафидан БК Эгасига вақтинчалик фойдаланиш учун берилади ва банкнинг мулки ҳисобланади.

1.7. **Карта ҳисобварағи (КХ)** - БК орқали пул маблағларини тасарруф этиш мумкин бўлган банк ҳисобварағи.

1.8. **Сақловчиси** – эмитент банк билан шартнома асосида фойдаланувчи БК Эгаси ёки БК Эгаси томонидан ПИН-код маълумотларини бериш орқали БК бўйича операцияларни амалга ошириш учун ваколатланган шахс.

1.9. **ПИН-код** - БК Эгасининг шахсий идентификацион рақами бўлиб, у КХдаги пул маблағларини бошқариш ҳуқуқини ҳамда маблағларни бошқаришга БК Эгаси томонидан рухсат берилганлигини тасдиқлайди.

1.10. **Стоп-лист** - блокланган ёки банк тарафидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтинча тўхтатиб турилган ёки бутунлай тўхтатилган банк карталари рўйхати.

1.11. **Савдо ва Хизмат кўрсатиш корхонаси (СХК)** - БКни товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш корхонаси.

1.12. **Транзакция** - БК сақловчиси тарафидан амалга ошириладиган, унинг банкдаги ҳисобварағи дебетланишига олиб келадиган ҳар қандай операциялар.

1.13. **Тўловларни қайтариш** - банк тарафидан белгиланган шаклда БК Эгасининг КХни кредитлаш учун транзакциялар борасида СХК тарафидан амалга ошириладиган пул маблағларининг ҳар қандай қайтарилиши маъносини билдиради.

1.14. **Тўлов тизими** – эмитент банклар, СХК ларига хизмат кўрсатувчи банклар, эквайер ва процессинг ташкилотларини ягона тизимга бирлаштирувчи нақд пулсиз тўловларни электрон шаклда амалга ошириш учун мўлжалланган, ҳуқуқий меъёрлар, меъёрий ҳужжатлар, дастурий-техник ечимлар, шунингдек, тегишли ташкилий-техник инфратузилма мажмуига асосланган ва асосий унсури банк картаси ҳисобланган худудий тарқоқ тўлов тизими.

1.15. **Процессинг ташкилоти** — тўлов ташкилоти аъзолари ўртасида ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш, шунингдек, тўлов ташкилоти аъзолари томонидан амалга ошириладиган эмиссия ва (ёки) эквайрингга техник хизмат кўрсатишни таъминловчи юридик шахс. Ягона умумреспублика процессинг макази, Миллий банклараро процессинг маркази ва бошқа халқаро процессинг марказлари.

1.16. **Тўлов ташкилоти аъзоси** — тегишли тўлов ташкилоти билан шартномага асосан банк картаси эмиссияси ва (ёки) эквайрингини амалга оширувчи банк.

1.17. **Асосий карта** – БК Эгаси томонидан аризада асосий карта деб белгиланган ва шартнома доирасида БК Эгаси (ҳисобрақам эгаси) номига чиқарилган карта.

1.18. **Қўшимча карта** –КХдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи БК Эгасининг аризасида кўрсатилган бошқа шахс номига ёки ўзининг номига чиқарилган БК.

1.19. **Карта маълумотлари** – Картада кўрсатилган маълумотлар: карта рақами, амал қилиш муддати, БК Эгасининг/Сақловчининг исми ва фамилияси (лотинча харфлар билан ёзилган), CVN (CVV) коди.

1.20. **CVN (CVV) код** — банк картасининг махфий рақами бўлиб, интернет орқали тўловларни амалга оширишда ишлатилади.

1.21. **Вакил** – БК Эгаси номидан тузилган ва Банкка берилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талаблари ва қуйидаги шартларига жавоб берадиган ишончнома ассосида ҳисобрақам бўйича амалиётларни бажариш ва/ёки бошқа амалиётларни БК Эгаси томонидан бажариш ҳуқуқи берилган жисмоний шахс. Ҳисобрақам бўйича БК ёки БК реквизитлари билан амалиётларни вакил томонидан ишлатиш ва “Namkorbank” АТБ қўшимча БКни чиқариш учун БК Эгасининг аризаси ассосида вакил номига қўшимча БК чиқарилиши мумкин.

1.22. **Картани блоклаш** – Банк томонидан БКнинг ишлашини тўхтатувчи ёки бекор қилувчи чоралар кўрилиши.

1.23. **Кўчирма** – БК ҳисобрақами бўйича Банк томонидан БК Эгасининг сўровига кўра шакллантириладиган кўчирма.

1.24. **Қоидалар** – Тўлов тизимлари томонидан ўрнатилган Қоидалар.

1.25. **Овердрафт** – ҳисобрақамдаги қолдиқдан ортиқ ишлатилган маблағлар.

1.26. **Суда ҳисобварағи** – кредит операцияларини амалга ошириш учун БК Эгасининг номига очилган ҳисобварақ.

- 1.27. **Музлатиш** – эквайердан ҳисоб-китобини кутаётган, белгиланган муддатга захираланган операция суммаси.
- 1.28. **Гаров депозити** – БКда мавжуд маблағдан ортиқча миқдорда фойдаланилган маблағни қоплаш учун ва КҲ ёпилгандан сўнг 1 (бир) ой мобайнида БК Эгасига қайтариладиган, банк тарифида кўрсатилган пул маблағи миқдори.
- 1.29. **Ссуда ҳисобварағи** – кредит операцияларини амалга ошириш учун БК Эгасининг номига очилган ҳисобварақ.
- 1.30. Ушбу шартномада БК ёки «Карта ҳисобварағи» сўзлари қўлланганда, улар БК Эгасининг КҲ бўйича берилган барча БКлар учун қўлланади.
- 1.31. **«SMS хизмати»** - карта ҳисобварағидаги ўзгаришлар бўйича мижознинг мобил телефонига юбориладиган хабарлар хизмати.
- 1.32. **«Банк тарифи»** - БК бўйича операцияларга тегишли тўловлар ва воситачилик ҳақларининг барча турлари ҳамда миқдорлари белгиланган амалдаги банк тарифи ([www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)).

## 2. Шартноманинг предмети

- 2.1. Мазкур шартнома Банк тарафидан БК орқали ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан Банк билан БК Эгаси ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солади.
- 2.2. Банк банк картасини эгасига вақтинча фойдаланишга беради ва банк картаси ёрдамида ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатади.
- 2.3. Банк картаси эгаси банк хизматларини ушбу шартноманинг шартларига мувофиқ тўлайди.

## 3. Шартнома шартлари

- 3.1. Тарафлар мазкур шартнома бўйича ўзларининг юридик манзили, (доимий рўйхатдан ўтган манзили), исми, шарифи, фамилияси ва уяли алоқа рақами(лари), паспорт маълумотлари (тарафларнинг реквизитлари) шартноманинг муҳим шарти деб белгилаб олишдилар.
- 3.2. Банк БК эмиссиясини жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга асосан амалга оширади.
- 3.3. КҲ ушбу шартнома тузилгандан кейин очилади.
- 3.4. БК шартнома тузилган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни мобайнида, ушбу шартноманинг шартларига мувофиқ Банк тарифида кўзда тутилган суммалар тўланиши шарти билан чиқарилади.
- 3.5. Ушбу шартномани имзолаш билан БК Эгаси банк билан тузилган битимларга мувофиқ зарур ҳолларда ссуда ҳисобварақамини очишга рози бўлади.
- 3.6. БК КҲ билан боғлиқ барча шартлар, агар ушбу шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан қабул қилинган ва фойдаланадиган банк ҳисобварағи шартномаси шартларига мувофиқ тартибга солинади.
- 3.7. БК Сақловчисига КҲ бўйича кўчирма агар сақловчи БК Эгаси бўлмаса БК Эгасининг ёзма аризасига биноан берилади.
- 3.8. БК Тўлов тизими томонидан ўрнатилган, лекин 3 (уч) йилдан ошмаган муддатга берилади.
- 3.9. БКни олиш учун банкда миллий валюта - СЎМда КҲни очиш лозим.
- 3.10. Блокланган КҲ бўйича операция ўтказилишини тўхтатиш ушбу КҲ бўйича очилган барча БКлардан фойдаланиш ҳуқуқини йўқ қилади.

- 3.11. Блокланган БК бўйича операция ўтказилишини тўхтатиш ушбу КХ бўйича очилган бошқа БКлардан фойдаланиш ҳуқуқини йўқ қилмайди.
- 3.12. КХнинг ёпилиши ушбу КХ бўйича очилган барча БК ларнинг ёпилишига олиб келади.
- 3.13. Асосий ва қўшимча БКнинг ҳар хил шахслар номига очилиш ҳолатларида КХни фақат БК Эгасининг аризаси асосида ёпиш мумкин.
- 3.14. БК Эгаси ушбу шартнома шартларига мувофиқ маблағларни ҳисобдан чиқаришга рози бўлади.
- 3.15. Банк томонидан БК ва карта ҳисобрақамини ёпиш тўғрисида ариза қабул қилингандан сўнг банк тўлов тизими билан алоқадор бўлмаган ва тўлов топшириқномаси бўйича келиб тушган пул маблағларини карта ҳисобрақамига кирим қилмайди. Бундай тўловлар банк томонидан тўловчининг маълумотлари бўйича қайтариллади.
- 3.16. БКни ишлаш муддати санасидан бошлаб 1 (бир) йил мобайнида БК Эгаси томонидан банкдан олиб кетилмаган тақдирда, БК йўқ қилинади ва банк тарифи асосида олинган устама ҳақи БК Эгасига қайтарилмайди.
- 3.17. БКни қайта чиқариш БК Эгасининг аризаси асосида БК Эгаси томонидан банкдан олиб кетилмаган БКнинг муддати тугагунга қадар банк томонидан янги муддатга қайта чиқарилиши мумкин.
- 3.18. БК Эгаси томонидан банкдан олиб кетилмаган БКнинг ишлаш муддати тугаганда янги муддатга БК қайта чиқарилмайди.
- 3.19. БК Эгасининг аризаси асосида, ўзининг номига ёки у кўрсатган шахс номига БК чиқарилиши мумкин.
- 3.20. БК Эгаси томонидан қўшимча БКни олиш учун аризада кўрсатилган шахс КХ эгаси ҳисобланмайди.
- 3.21. БК Эгасининг номига қўшимча БК унинг аризаси асосида асосий БК билан бирга ёки асосий БК чиқарилганидан сўнг чиқарилиши мумкин.
- 3.22. БК Эгаси кўрсатган шахс номига қўшимча БК фақат банк томонидан БК Эгасига асосий БК чиқарилганидан сўнг чиқарилади.
- 3.23. БК Эгаси ва у кўрсатган шахс орасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу шартнома шартлари билан белгиланади.
- 3.24. БКнинг муддати тугамасдан туриб БКни қайта чиқариш учун зарурият туғилганда БКни (Асосий БК/қўшимча БК) қайта чиқариш учун банкка ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Кўрсатилган шахс номига чиқарилган қўшимча БКнинг муддати тугамасдан туриб қайта чиқаришга зарурият туғилганда БК Эгаси банкка кўрсатилган шахсга қўшимча БКни ёқтириш учун ариза тақдим қилади.
- 3.25. БК янги ишлатиш муддати билан чиқарилади ва ушбу БК муддати БК чиқарилган ойдан бошланади.
- 3.26. БКни йўқотиш/синдириш, БК нинг механик шикастланиши, БК Эгасининг БКда кўрсатилган фамилияси ва/ёки исми ўзгариши ва муддати тугагунча бошқа сабабларга кўра БКнинг қайта чиқарилиши БК Эгасининг аризаси асосида Банк тарифларида кўрсатилган тегишли устама ҳақи олиниши шарт билан амалга оширилади.
- 3.27. Гаров депозити банк тарифига асосан КХга кирим қилинган биринчи маблағдан ушлаб қолинади. Гаров депозити учун биринчи кирим қилинган пул маблағи етмаган тақдирда кейинги кирим қилинган пул маблағидан ушлаб қолинади.

#### **4. Тарафларнинг мажбуриятлари**

##### **4.1. БК Эгаси қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**

4.1.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ БКдан фойдаланиш.

4.1.2. БК ПИН-кодини белгилаш, алмаштириш ва уни ҳеч кимга маълум қилмаслик.

- 4.1.3. Агар ПИН-код уч марта нотўғри киритилган бўлса, БК Эгаси дарҳол эмитентга ариза билан мурожаат қилиши ва ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш.
- 4.1.4. Мазкур шартнома ўз кучини йўқотгандан кейин БКни ҳеч қандай шартларсиз банкка қайтариш.
- 4.1.5. Банк хизмат ҳақларини белгиланган тарифлар доирасида тўлаш.
- 4.1.6. Эмитент банк ҳамда тўлов тизими дастурларидаги техник носозликлар ва хатоликлар натижасида БКда ортиқча маблағлар ҳосил бўлиб қолса, ушбу маблағларни эмитент банкка қайтариш.
- 4.1.7. Шартноманинг мажбурий шартларига риоя қилиш:
- 4.1.7.1. Уяли алоқа рақами ўзгарган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Банкка ёзма хабар бериш;
- 4.1.7.2. Турар жойи ва/ёки паспорт маълумотлари, исми шарифи фамилияси ўзгарганда, шунингдек карта йўқотилган ёки ўғирланган тақдирда, дарҳол Банкка ёзма/**ёки электрон** хабар бериш.
- 4.1.8. ПИН-кодли конвертнинг берилишида, БК Эгаси ПИН-кодли конвертга ташқи шикаст етказилмаганлигини текшириш.
- 4.1.9. БК Эгаси қўшимча БК Сақловчисини ушбу шартнома шартлари ва банк тарифи билан таништириш.
- 4.2. Банк қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:**
- 4.2.1. БК Эгасининг КҲни БК бўйича амалга оширилган барча транзакциялар суммасига дебет қилдириш.
- 4.2.2. Тегишли тарзда расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари олинган кундан эътиборан бир банк иш куни ичида БК эгасининг фойдасига тушган пул маблағларини КҲга кирим қилиш.
- 4.2.3. БК Эгасининг КҲдан транзакциялар бўйича бир иш куни мобайнида тўловларни олиш ва ҳисобварақ бўйича кўчирмаларда уларни акс эттириш.
- 4.2.4. БК Эгасидан БК йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги тўғрисида ёзма/ёки оғзаки мурожаат олинган тақдирда, БКдан фойдаланган ҳолда операцияларнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш чораларини кўриш.
- 4.2.5. БК Эгасига БКга хизмат кўрсатиш бўйича ундириладиган васитачилик ҳақининг миқдори уни ундириш тартиби тўғрисида хабардор қилиш.
- 4.2.6. Банк тарифлари ва унга киритилган ўзгартиришларни банкнинг «[www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)» сайтига киритиб бориш.
- 4.2.7. Банк томонидан банк картаси бўйича амалиётлар тўхтатиб қўйилганда, банк амалиёт тўхтатилган санадан бошлаб кейинги иш кунидан кечиктирмаган ҳолда БК Эгасини банк картаси бўйича амалиётлар тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан хабарнома (маълумотнома) юборади. Хабарнома банк картаси эгасининг уяли алоқа рақамига юборилади.

## **5. Тарафларнинг ҳуқуқлари**

- 5.1. БК Эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 5.1.1. Карта ҳисобварағида мавжуд қолдиқни тўлдириб бориш.
- 5.1.2. Банкдан шартнома шартларини бажарилишини талаб қилиш.
- 5.1.3. Банкдан карта ҳисобварағидан кўчирмани олиш. Кўчирмада карта ҳисобварағи орқали амалга оширилган барча операциялар акс эттирилади.
- 5.1.4. Мазкур шартноманинг қоидаларида кўзда тутилган тартибда Банкка картани (асосий ва қўшимча) блоклаш ва блокдан чиқариш тўғрисида ёзма /ёки оғзаки тарзда мурожаат қилиш.

5.1.5. “SMS хабар”ни +998-\_\_\_\_\_ уяли алоқа рақамига (уяли алоқа рақами шахсан банк картаси эгаси томонидан ёзилади) юборишни талаб қилиш ҳуқуқи.

5.2. Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.2.1. БК унинг амал қилиши бутун муддати мобайнида банкнинг мулки саналганлиги сабабли амал қилиш муддати тугаганида ва алмаштириш чоғида картани қайтаришни талаб қилиш.

5.2.2. БК эгаси 5.2.1.-бандда кўрсатилган ҳолларда мижоз карта учун жаримани ёки хизмат ҳақини ихтиёрий тўламаган тақдирда, карта ҳисобварағидаги қолдик суммасидан чегириб қолиш.

5.2.3. БК га кўрсатиладиган хизмат учун банк хизматлари тарифларини ишлаб чиқиш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш. Бу ҳақдаги маълумотларни «www.hamkorbank.uz» интернет сайти орқали эълон қилиш.

5.2.4. Мижознинг БК орқали нақд пул олишида белгиланган тариф асосида хизмат ҳақи олиш.

5.2.5. Мижознинг карта ҳисобварағидан нақд пулсиз ўтказмалар, шу жумладан бошқа банк филиалидан ва/ёки филиалга маблағ ўтказилганда, қўшимча хизмат турларидан фойдаланганда белгиланган тариф асосида хизмат ҳақи олиш.

5.2.6. Мижознинг карта ҳисобварағини тўлдиришда (нақд пулда, иш ҳақи ҳисобидан, омонат ҳисобварағидан, дивиденд, суғурта, ижара ва бошқа маблағлар ҳисобидан) белгиланган банк тарифлари асосида хизмат ҳақи олиш.

5.2.7. Мижоз SMS хизматига уланган бўлса, банк тарифи бўйича ойлик тўловлар олиш.

5.2.8. БК эгаси тарафидан шартнома шартлари бузилганда ҳамда БК эгаси ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, БКнинг ҳаракатини тўхтатиб қўйиш.

5.2.9. Мижоз тарафидан БК йўқотилган, шикастланган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилганда, шунингдек амал қилиш муддати тугаганда алмаштириб берилаётганда белгиланган тарифга асосан хизмат ҳақи олиш.

5.2.10. Эмитент банк ҳамда тўлов тизими дастурларидаги техник носозликлар ва хатоликлар натижасида БКда ортиқча маблағлар ҳосил бўлиб қолса, ушбу маблағларни БК ҳисобварағидан ушлаб қолиш.

5.2.11. Агар БК Эгасининг/Сақловчисининг шахси гумон туғдирса ёки БКдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар қонунчиликка зид бўлса ёки шахсни идентификациялашни талаб этса хизмат кўрсатишни рад этиш.

5.2.12. БКдан ушбу шартнома шартларига зид равишда фойдаланилганда карта ҳисобварағини ёпиб қўйиш.

5.2.13. БК Эгаси ариза берилган кундан эътиборан 6 (олти) календарь ой ичида Банкка келиб БКни олмаса, БКни бекор қилиш ва КХ ни ёпиш ҳамда тўланган хизмат кўрсатиш ҳақини Мижозга қайтармаслик;

5.2.14. БКдан фойдаланган ҳолда операциялар ёки КХ бўйича операциялар ўтказилишини исталган вақтда қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда тўхтатиб турилиши (блокраниши) мумкин:

- БК Эгасининг ёзма мурожаати бўйича;
- Сақловчи томонидан Шартнома ёки Қоидалар шартлари бузилиши ҳолатида;
- КХ бўйича операциялар ўтказилиши тўхтатилган ҳолда;
- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

5.2.15. Қуйидаги шартлар бўлганда КХ ва БК ёпилиши мумкин:

- Шартнома ёки Қоида шартлари бузилиши ҳолатида;
- КХ ёпилиши ҳолатида;

- бир йил давомида КХнинг узлуксиз фойдаланилмаслиги ёки КХ бўйича транзакция ўтказилмаслигида;
- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

5.2.16. Банк картаси эгаси тарафидан ушбу шартнома шартларининг бузилиши натижасида амалга оширилган барча харажатларни банк картаси эгасидан ундириб олиш.

5.2.17. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида БК операциялари лимитини белгилаш.

## **6. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби.**

6.1. Мижоз банк тарафидан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги банк тарифларида белгиланган миқдорларда хизмати ҳақи тўлайди.

## **7. Тарафларнинг жавобгарлиги**

7.1. БК Эгаси қуйидагилар учун жавобгардир:

7.1.1. Мазкур шартнома шартлари бузилган тақдирда, банкка етказилган зарарни тўлиқ тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва тўлайди.

7.1.2. БК Эгаси/Сақловчиси ПИН-кодини бошқа шахсга билдирган бўлса, ушбу карта орқали амалга оширилган барча операциялар учун БК Эгаси/Сақловчиси жавобгардир.

7.1.3. КХга хато киритилган пул маблағларини қайтармаганлик учун – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади;

7.1.4. БК Эгаси банкка тақдим этиладиган барча маълумотнинг ҳаққонийлиги учун тўлиқ жавобгар.

7.1.5. БК Эгаси тарафидан шартнома бекор қилинган тақдирда, у шартнома бекор қилинишига қадар амалга оширилган ҳар қандай транзакциялар юзасидан ва шартнома бекор қилингандан сўнг БК Банкга ўз вақтида қайтарилмаган ҳолатда тўлиқ жавобгар бўлади.

7.2. Банк қонун ҳужжатларида ўрнатилган банк картаси ҳисобварағига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун ҳар бир ҳолат учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0.01 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.3. Банк картаси эгаси томонидан Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча зарурий ҳужжатлар тақдим этилганидан кейин Банк томонидан банк картасини очиш сабабсиз кечиктирилганлик ёки очишдан бош тортганлик, шунингдек мазкур банк картасини очиш учун ортиқча ҳужжатларни талаб қилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,02 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.4. Банк БК Эгасининг БК йўқолган, ўғирланган, бузилган ҳолда ва бошқа ҳолларда ундан фойдаланиш мумкин эмаслиги ҳақидаги ёзма аризаси қабул қилинганидан кейин БКдан фойдаланган ҳолда операциялар бўйича жавобгар бўлади.

7.5. КХ бўйича хато амалга оширилган операцияларда Банк жавобгарлиги хато амалга оширилган операцияни бекор қилиш билан чекланади.

7.6. Банк қуйидаги ҳолларда БК Эгаси олдида жавобгар бўлмайди:

7.6.1. БК Эгаси/Сақловчиси томонидан қонунчиликка зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда;

7.6.2. агар БК йўқолиши ва/ёки ПИН-код ошкор этилиши БК Эгасининг эҳтиётсизлиги ёки БК билан эҳтиётсиз муомаласи туфайли юз берган бўлса;

7.6.3. БКлари орқали ўтказилган транзакцияларга;

- 7.6.4. Эгаси/Сақловчи томонидан нотўғри маълумотлар бўйича учинчи шахсга мустақил равишда пул маблағини ўтказганда ёки Эгасининг/Сақловчининг розилиги билан пул маблағини ўтказиш натижасида учинчи шахснинг фирибгарлик ҳаракатларига;
- 7.6.5. можаровий ҳолат юзага келиши оқибатида яъни назоратдан ташқари доирада бўлиши, ташқи тўлов тизимининг тўхтаб қолиши, ҳисоб-китоблар, қайта ишлаш ва маълумотларни узатиш билан боғлиқ бўлганда;
- 7.6.6. учинчи томоннинг БКга хизмат кўрсатишдан воз кечиши;
- 7.6.7. БК бўйича харид қилинган товарлар ва хизматларнинг сифати;
- 7.6.8. учинчи томон тарафидан белгиланган, БК Эгасининг манфаатларига дахл қилиши мумкин бўлган БК бўйича лимитлар, чеклашлар ва қўшимча ҳақлар;
- 7.6.9. Банк йўқолган БКни (Асосий ёки Қўшимча) Стоп-Листга қўйиш ҳақида ўз вақтида огоҳлантирмасликнинг оқибатлари;
- 7.6.10. БК Эгаси/Сақловчиси томонидан CVN (CVV) кодларни учинчи шахсга берилганда;
- 7.6.11. Банк БК йўқолганлиги ёки ўғирланганлиги ёхуд БКдан учинчи шахслар фойдаланганлиги натижасида мижозга етказилган ҳар қандай молиявий зарарлар учун ҳам жавобгар ҳисобланмайди.
- 7.7. Банк қуйидаги ҳолларда жарима тўлашдан озод қилинади:
  - 7.7.1. форс – мажор ҳолатлари, шу жумладан, банклараро электрон тўловлар тизимида рўй бериши мумкин бўлган узилиш ҳолатларида;
  - 7.7.2. банк мижози томонидан амалдаги қонунларда белгиланган талабларга мос келмайдиган тўлов ҳужжатлари тақдим қилинганда;
  - 7.7.3. қонунларда белгиланган тартибга банк ёки мижоз КҲ бўйича операциялар тўхтатилганда.
- 7.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади.

## **8. Шартноманинг амал қилиш муддати, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби**

- 8.1. Мазкур шартнома 5 (беш) йил муддатга тузилади. 5 (беш) йилдан сўнг шартномани бекор қилиш бўйича тарафлардан ёзма мурожаат бўлмаса ёки шартнома шартлари бўйича тарафларнинг ёзма эътирози бўлмаса, шартноманинг амал қилиш муддати кейинги календарь йилига узайтирилган ҳисобланади.
- 8.2. Шартнома бекор қилинган тақдирда, Банк КҲ бўйича операцияни тўхтатади. КҲ мавжуд пул маблағлари қолдиғи БК Эгасининг тегишли ёзма аризасига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади ёки картадан фойдаланиш муддати кейинги 5 (беш) йилга узайтирилган тақдирда, ҳисобварақ бўйича операцияни тиклаб беради.
- 8.3. Банк ўзгартиришлар кучга киришидан 10 кун аввал «[www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)» банкнинг интернет сайтида эълон бериш орқали мазкур шартнома шартларини амалдаги қонунчилик доирасида бир тарафлама ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.
- 8.4. БК эгаси БКни банкка топширгач, исталган вақтда ушбу шартномани бекор қилишга ҳақли.
- 8.5. Банк мижозни 1 ой аввал ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномани бекор қилиши мумкин.
- 8.6. Мазкур шартнома тарафлар учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки асл нусхада тузилади, тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади ва у имзоланган вақтдан эътиборан кучга киради.



8.7. Шартномага мувофиқ ёки у билан боғлиқ ҳолда юборилаётган барча хабар ва маълумотлар ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим ҳамда агар, улар буюртма хат орқали жўнатилган ёхуд шартнома иштирокчиларининг куйида кўрсатилган юридик манзиллари бўйича шахсан етказилган бўлиб, олинганлиги тўғрисида тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, мазкур хабар ва маълумотлар тегишли тарзда тақдим этилган деб ҳисобланади.

## **9. Махфийлик**

9.1. Мазкур шартномани тузиш ва бажариш вақтида тарафлар бир-биридан олган барча маълумотлар махфий ахборотлар деб тан олинади.

9.2. Шартномани тузиш ва шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш чоғида бошқа тарафнинг тижорат сири ҳисобланган махфий ахборотлар ва маълумотларни ахборот эгасининг ёзма розилигисиз ошкор қилмаслик мажбуриятини олади.

9.3. Мазкур талаб шартноманинг амал қилиш муддатига ҳамда шартнома муддати тугаган вақтдан бошлаб 3 йил мобайнида амал қилади.

9.4. Ушбу талабларни бузган тараф бунинг оқибатида иккинчи тарафга етказилган барча зарарни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

## **10. Форс – мажор ҳолатлар**

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу тарафларнинг иродаси, хохиши ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар), ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, банкнинг дастурий таъминот тизимида қилинган таҳдид (учунчи шахслар тарафидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда тарафлар ушбу ҳолатлар бартараф этилгунига қадар шартнома бўйича ўзаро мажбуриятларини бажаришдан озод бўладилар.

10.3. Юзага келган Форс-мажор ҳолатлари ҳақида ҳамда ушбу ҳолатлар яқунланганлиги ҳақида тараф ушбу ҳолатлар юзага келган ёки бартараф этилган вақтдан бошлаб, 3 банк куни ичида бу ҳақда иккинчи тарафни ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

10.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги ёки бартараф этилганлиги ҳақидаги хабарномалар тарафларда мавжуд бўлган барча алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин (СМС ва ММС хабарлари бундан мустасно).

10.5. Форс-мажор ҳолатлари 30 кун мобайнида бартараф этилмаган тақдирда тарафлар ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилишга ҳақли бўладилар.

## **11. Низоларнинг ҳал этилиши**

11.1. Тарафлар мазкур шартномани бажариш вақтида юзага келган келишмовчилик ёки низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

11.2. Ўзаро келишув имконияти бўлмаганда, ҳуқуқи бузилган тараф тарафидан юборилган талабнома ёки огоҳлантириш хатига иккинчи тараф мазкур талабнома ёки огоҳлантириш хатида кўрсатилган муддат ичида жавоб бериши лозим.

11.3. Талабнома ёки огоҳлантириш хати тарафга шахсан топшириш, электрон почта манзилига юбориш ёки почта алоқа хизмати орқали буюртма хат билан юбориш йўли билан амалга оширилади.

11.4. Тинч йўл билан ҳал этилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## 12. Тарафларнинг юридик манзили, Реквизитлари ва имзолари.

Банк	Мижоз
<p>«НАМКORBANK» акциядорлик тижорат банки Амалиёт бошқармаси Андижан шаҳар, Бобур-шоҳ кўчаси, 85 уй Х/р: 19909000600000083014 «НАМКORBANK» АТБ Амалиёт бошқармаси МФО 00083 ОКОНХ 96120, ИНН 200242936 тел.: (+998-74) 235-48-63</p> <p>Филиал Бошқарувчиси: _____ _____ (ИМЗО)</p> <p>М.Ў.</p>	<p>Фуқаро: [фуқаро ФИОси тўлиқ тўлдирилади] Манзил: [фуқаро манзили тўлдирилади] Паспорт: [фуқаро паспорт маълумотлари тўлдирилади] Уяли алоқа рақами: [фуқаронинг уяли алоқа/телефон рақами тўлдирилади]</p> <p><b><i>Шартнома шартлари, унинг жавобгарлигини белгиловчи қоидалари ва Пластик картадан фойдаланиш бўйича Йўриқнома талаблари билан тўлиқ танишиб чиқдим</i></b> Ф.И.Ш.</p> <p>_____</p> <p>ИМЗО _____ (карта эгаси)</p>